# Qishloq hayoti

**2015 йил** Кексаларни эъзозлаш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2015-YIL 27-AVGUST, PAYSHANBA, 103 (8496)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР»**

**Рустамова Зебихон Якубовна** – Тошлоқ туманидаги "Заркент саховати" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Халимбетов Бахтиёр Юлдашович** – Гурлан туманидаги "Истиқлол самар" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»**

**Бешимов Мухаммад Бегматович** – "Аму-Бухоро" машина каналидан фойдаланиш вилоятлараро бошқармасининг Олот тумани бошқармаси насос агрегатлари машинисти, Бухоро вилояти

**Раимкулов Шакарбай Суханович** – "Қуйи Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Шўрўзак-Сирдарё" ирригация тизими бошқармаси муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР»**

**Мирзаев Балтабай Кудайбергенович** – Томди туманидаги "Керизбулоқ" ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

**Намазов Тулкин Ибатович** – Нишон туманидаги "Нишон" қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ»**

**Абдуллаева Рўзихон Бозоровна** – Олтинкўл туманидаги "Пилла" давлат корхонаси агрономи, Андижон вилояти

**Сулаймонова Салима Абдурахмоновна** – Норин туманидаги "Бош пиллахона" масъулияти чекланган жамияти агрономи, Наманган вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**

**Матмуратов Кенесбай Ембергенович** – "Ўзбекгеофизика" акциядорлик жамиятининг "Устюрт геофизика экспедицияси" филиали отряд бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Разикулов Абдусамат Абдуганиевич** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи смена устаси, Тошкент вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»**

**Исмаилов Кадир Вахидович** – "12-трест" акциядорлик жамиятининг 52-қурилиш бошқармаси комплекс бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Исломов Даврон** – "Бинокор" қурилиш-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Кадиров Бахадир Тухтаевич** – "Термиз таъминот" саноат-қурилиш корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»**

**Закиров Зоир Таджибаевич** – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси йўл устаси, Жиззах вилояти

**Рузиев Рустам Васикович** – Транспорт бўйича бош лойиҳақидирув институти "Боштранслойиҳа" акциядорлик жамияти директори

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»**

**Исхаков Нодир Суннатуллаевич** – "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали Янгиобод телефон боғламаси бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»**

**Харлап Геннадий Викторович** – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати, ватанпарварлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги билан эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдиев Суюн Мажитович** – Қарши туманидаги "Абдиев Мажид" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Аллаяров Яхшинар Норбобаевич** – Самарқанд давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультети доценти, Самарқанд вилояти

**Артиқов Кенжабой** – "Давсувхўжаликназорат" инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори

**Бердиева Зумрат Бобокуловна** – Олот туманидаги "Юқори Олот" қишлоқ врачлик пункти мудири, Бухоро вилояти

**Ибрагимова Фарида** – Чиноз туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент вилояти

**Исмоилова Жумагул Тўлановна** – Булоқбоши туманидаги "Учкўча" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Каримов Кенес Айтмуратович** – Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Қаршиев Абдисамат Асатович** – Хатирчи туманидаги "Оқолтин" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Нарджигитова Бахринсо Эгамкуловна** – Гулистон тумани "Гулистон ҳаёти" газетаси бош муҳаррири, Сирдарё вилояти

**Суюндиков Равшан Худайназарович** – Зарбдор тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Жиззах вилояти

**Умаров Иброхимжон Саматович** – Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг чақалоқлар ва болалар хирургияси бўлими мудири

**Файзуллаев Турсунбай** – Наманган давлат университети профессори, Наманган вилояти

**Шарипова Мадина Каримовна** – Республика "Она ва бола скрининги" маркази директори

**Эргашова Хатича Исаевна** – Шўрчи туманидаги "Ялти" шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Байзаков Аззамжон Камолович** – "Учтепадавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Жиззах вилояти

**Буриев Нириддин Абдуллаевич** – "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компаниясининг "Жарқўрғоннефть" акциядорлик жамияти геология бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Имомова Махсуда Мамасадиковна** – "Сирдарё иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг кимё цехи смена бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Кадиров Камилжон** – Андижон шаҳридаги "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати" масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи, Андижон вилояти

**Каримов Махсетбай Исмайлович** – "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компаниясининг "Устюрт қидирув-бурғулаш бошқармаси" масъулияти чекланган жамияти бурғуловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қодиров Бозор Раимович** – "Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси" давлат корхонаси директори, Бухоро вилояти

**Мукумов Суярбай Эгамбердиевич** – Жомбой тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

**Назирова Дилором Носировна** – Риштон туманидаги "Мискин" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Нишанов Комилжон Солижонович** – Мингбулоқ тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Наманган вилояти

**Саидов Толиб Маматович** – "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг истиқболли тараққиёт, инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича директори, Навоий вилояти

**Содиқов Пўлат Йўлдошевич** – "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасининг "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонаси чилангари, Тошкент шаҳри

**Тангриев Эркин Жавлиевич** – "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонасининг маркшейдер бўлими бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Турдиев Таир Адилович** – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг "Ўзбекистон" локомотив депоси электровоз машинисти, Тошкент вилояти

**Хўжаниёзова Шакаржон Юсуповна** – Хоразм вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдулаҳатов Нортожи** – Шеробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори, Сурхондарё вилояти

**Абулкасимов Шадихужа Турсунович** – "Самарқанд автомобиль заводи" масъулияти чекланган жамиятининг йиғув мажмуаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Алиев Ғофир Куватович** – Хатирчи тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Бабажанов Эгамберган Исмаилович** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Хоразм вилояти бош бошқармаси бошлиғи

**(Давоми 2-, 3-саҳифаларда)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўртача ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 130 240 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 254 730 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 254 730 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 156 310 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2015 йилнинг 1 сентябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 26 август*

Қашқадарё Вилояти

# КОРХОНА САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА




**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини янада оширишда юксак самаралар бермоқда. Қашқадарё вилоятидаги "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" унитар корхонасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, технологик жараёнлар босқичма-босқич амалга оширилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 17 ноябрдаги "Деҳқонобод калийли ўғит заводини ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш (II-босқич)" инвестицион лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу ишларда муҳим дастуриламал бўлаётир.

– Ўтган йили хитойлик мутахассислар иштирокида қайта ишлаш мажмуасининг иккинчи навбати қурилиши ниҳоясига етказилди, – дейди "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" унитар корхонаси бош муҳандиси Раҳмат Ўсаров. – Бунинг самарасида ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда Россиянинг "ЗУМК-Инжиниринг" компанияси билан ҳамкорликда йиллик руда қазиб чиқариш қуввати 1 миллион 400 минг тоннага тенг тоғ-кон мажмуаси ҳамда ташқи электр энергия таъминоти объектлари, оралиқ масофанинг узоқлиги (қарийб 30 километр) жиҳатидан дунёда ягона, деб тан олинаётган осма канат йўлининг қурилиши давом эттирилмоқда. Ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилгач, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми йилига 600 минг тоннага, руда қазиб олиш ҳажми эса 2 миллион 100 минг тоннага етади.

Бугунги кунда корхонада 1 минг 800 дан зиёд малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар орасида касб-ҳунар коллежини битирган ёш мутахассислар кўпчиликни ташкил этади.

– Деҳқонобод агросаноат касб-ҳунар коллежини тамомлаб, заводга ишга кирдим, – дейди оператор Юсуфбек Баротов. – Отамнинг айтишича, илгари бу ерлар бийдай қир-адир бўлган. Ёшу қари барча чорвачилик билан шуғулланган, имконини топганлар 30-40 чақирим узоққа бориб ишлашга мажбур бўлган. Бугун эса мен каби ёшлар шу ернинг ўзида, ўзимиз танлаган соҳа бўйича ишлаш имкониятига эгамиз. Маҳсулотларимиз хорижга экспорт қилинаётгани қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини юксалтиради. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллиги туфайли эканини яхши англаймиз.



Дарҳақиқат, илгари юртимизга калийли ўғитлар валюта ҳисобига четдан келтирилар эди. Ушбу завод ишга туширилгач, мамлакатимизнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилиши баробарида, уни экспортга чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада ўтган беш йил давомида жаҳон стандарти талабларига тўлиқ жавоб берадиган, биринчи навли 900 минг тоннадан ортиқ калий хлорид маҳсулоти ишлаб чиқарилди, унинг 600 минг тоннага яқини хорижга экспорт қилинди.

**(Давоми 3-саҳифада)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-, 2-саҳифаларда)**

**Таженов Парахат Алламбергенович** – "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" акциядорлик жамиятининг "Тахиатошгидроэнергоқурилиш" унитар корхонаси қурилиш бўлими иш юритувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ташпулатов Турсунбай Уринбаевич** – Чуст туманидаги "Ғова" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Ташходжаева Мунира Джураевна** – Сергели туманидаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Тошев Акрам Бобамурадович** – Пахтачи туманидаги "Пахтачисут" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Тошева Мамлакат Шоимовна** – Жондор туманидаги "Жондор Чашмаси" масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Тугилов Рахим Эргашевич** – "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

**Туляганов Бахриддин Нишанбаевич** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи цех бошлиғи, Тошкент вилояти

**Туляганов Рахматджан Исмаилович** – "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасининг ишлаб чиқариш цехи бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Турабаев Рустам Зохидович** – "Электрқишлоққурилиш" акциядорлик жамиятининг Наманган вилояти "Электрқурилмалари" ишлаб чиқариш корхонаси катта устаси

**Турапов Алим** – "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Сирдарё тумани бўлинмаси раиси, Сирдарё вилояти

**Турдалиев Равшанжон Сайдахмадович** – "Фарғона иссиқлик электр маркази" акциядорлик жамияти смена бошлиғи, Фарғона вилояти

**Турсунов Ахрор Рахматович** – Бухоро шаҳридаги "Имом ал-Бухорий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**Тухтабаев Рашид Дедаханович** – "ЎзЭлектротерм" акциядорлик жамиятининг "Наманган Трансформатор" ишлаб чиқариш корхонаси прессловчиси, Наманган вилояти

**Увайдуллаев Акмал Джураевич** – Гулистон шаҳридаги "Акмалбек-Анварбек барака" хусусий корхонаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Умиров Абдихолиқ Зопирович** – Иштихон туманидаги "Зоир-Мансур" қурилиш корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Усманов Батир** – "Нуроний" жамғармасининг Миробод тумани бўлинмаси раиси, Тошкент шаҳри

**Усманова Гулнорахон Тургуновна** – Қўрғонтепа туманидаги "Бозорбоши" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Хайдаров Сулаймонкул Сатиболдиевич** – "Чортоқархитекқурилиш" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси, Наманган вилояти

**Хайдаров Уткир Эрназарович** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

**Хайитов Абдулхошим Абдувахабович** – Андижон шаҳридаги "Uz-Dongju Paint Company" қўшма корхонасининг қурилиш ва саноат бўёқлари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Андижон вилояти

**Хакимов Ботир Хусанович** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шўъба мудири

**Халиков Ахтам** – Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бош агрономи, Самарқанд вилояти

**Хамдамов Дониёр Закиржонавич** – "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш отряди бурғулаш техникаси машинисти, Тошкент шаҳри

**Хамроев Феруз Ҳамдамович** – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси

**Хасанов Анвар Адизович** – Навоий шаҳридаги "Қўшчинор гўшт" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

**Хасанов Анорбой Тоштемирович** – Зафаробод туманидаги "Ёруғлик" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Ходжаев Бахтиер Махаматович** – "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонасининг "Ўзбекистон" электродепоси машинисти, Тошкент шаҳри

**Ходжамкулов Қахрамон Сайиткулович** – "Ховос агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти механизатори, Сирдарё вилояти

**Ходжиматов Толиб Абиджанович** – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти

**Холиқов Салимжон Усарович** – "Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Нарпай-Навоий" ирригация тизими бошқармаси экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

**Холмирзаев Аббос Омонович** – Данғара туманидаги "Имкон" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Холмирзаев Вахоб Мадаминович** – "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг "Karbonam" масъулияти чекланган жамияти участка бошлиғи, Наманган вилояти

**Худойбердиев Зокиржон Худойназарович** – "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш отряди монтажчиси, Тошкент шаҳри

**Хурамова Гулбахор Амоновна** – Жарқўрғон туманидаги "Сурхонтекс" қўшма корхонаси ип йигирувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хусанджанов Зуфар Дилмуратович** – "UNICON.UZ" – фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонасининг ахборот муҳофазаси воситалари илмий-тадқиқот бўлими етакчи муҳандиси

**Хусанов Зафаржон Тоштемирович** – "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси "Даугизтау" кони бош муҳандиси, Навоий вилояти

**Шимбергенов Мурат Адилбаевич** – Нукус шаҳридаги "Lesstroy" масъулияти чекланган жамияти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ширинов Рустам Хамидович** – "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари, Навоий вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 26 август*

---

*Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йил 19 февралда ўрнатилган. Икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий негизини олтмишдан зиёд ҳужжат, жумладан, 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади. Узоқ муддатли ва кўп қиррали алоқалар тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳида изчил тараққий этмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела СПРАТЛЕН билан суҳбатлашди.*

## Памела СПРАТЛЕН:
# ЎЗБЕКИСТОН АМАЛГА ОШИРГАН ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ

**– Спратлен хоним, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида нима дея оласиз?**

– Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган. Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ўтган 24 йил ичида мустақил давлат сифатида амалга оширган ислоҳотлари самаралари билан фахрланса арзийди.

Тошкент ва Самарқанд ўртасидаги тезюрар темир йўл алоқаси дейсизми, ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлар дейсизми ёки ёш авлодга инглиз тилини ўргатишга қаратилаётган эътибор дейсизми, умуман, барча соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятлар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётганидан далолат беради. Мамлакатингизда турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги этник ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, шунингдек, хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**– Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик самаралари ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.**

– АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг изчил ривожига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жорий йилнинг ўзида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида АҚШдан кўплаб нуфузли делегациялар Ўзбекистонга ташриф буюрди.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан Ўзбекистон ўртасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларини ривожлантириш ва салоҳиятини янада ошириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Элчихонамиз ва Тошкентдаги Америка Савдо палатаси Ўзбекистон билан мустаҳкам савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган ҳамда мамлакатингизга сармоя киритиш истагида бўлган АҚШ компанияларини қўллаб-қувватламоқда.

Фан ва технологиялар соҳаси ҳам АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг энг истиқболли соҳаларидандир.

**– Ўзбекистонда демократияни ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида фикрингиз?**

– Демократия интиҳоси йўқ, узлуксиз жараён бўлиб, туб ўзгаришлар вақт талаб этади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси, БМТнинг демократия ва фуқаролик жамиятига оид кўплаб конвенцияларини имзолаган Ўзбекистонда ушбу мақсадларга эришиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз, бу борадаги ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёрмиз.

Суд соҳасидаги таълимга оид алоқаларимиз фаоллашмоқда, америкалик судьялар ва ҳуқуқшунос амалиётчилар Ўзбекистонда, ўзбекистонлик мутахассислар эса АҚШда учрашувлар ўтказмоқда. АҚШ ва бошқа халқаро шериклар ҳамкорлигида Ўзбекистонда одил судлов тизимидаги ислоҳотларни янада кенгайтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва суд тизимининг ўзаро ҳамкорлигига бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди.

**– Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини юксалтириш, иқтисодий ва ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ҳақидаги фикрингизни билдирсангиз...**

– Ўзбекистонда оилавий қадриятларга ва хотин-қизларнинг оилада тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатингизда хотин-қизлар давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этмоқда.

АҚШ халқи ҳам, Ўзбекистон халқи ҳам эркак ва аёллар барча ҳуқуқ ва қадриятлардан тенг фойдаланиши лозим, деб ҳисоблайди. Маълумки, бу ҳуқуқларни амалиётга татбиқ этиш осон жараён эмас. АҚШ хотин-қизлари барча соҳаларда, бизнес ва таълимдан тортиб сиёсат, тиббиёт ва спортгача бўлган тармоқларда улкан муваффақиятларни қўлга киритган. Ўзбекистонга ташриф буюришимдан кўп ўтмай Хотин-қизлар қўмитасида бўлдим. Мамлакатингизда хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлар билан танишдим. Ўзбекистоннинг хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистонда кўплаб хотин-қизлар билан суҳбатлашдим. Улар фан ва техника, санъат ва маданият, сиёсат ва иқтисодиёт каби кўплаб соҳалардаги фаолиятига оид ижобий тажрибаси ва ютуқлари билан фахрланади. Биз хотин-қизлар учун яратилган бундай имкониятларни янада яхшилаш, уларнинг пухта таълим эгаллаши ва ҳаётдан тўла завқ олиши йўлида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

**– ЎзА веб-сайтида (www.uza.uz) бериб бориладиган янгиликларни кузатиб борасизми?**

– Мен доимий бохабарликка интиламан. Ўзбекистонда ўтказилаётган тадбирлар ва расмий маълумотлардан хабардор бўлиш мақсадида мамлакатингизнинг расмий ахборот манбаи бўлган ЎзА веб-сайтидан фойдаланаман. Сайтингизда юртингизнинг барча ҳудудларидан тезкор материаллар бериб борилади ва мунтазам янгиланиб туради. ЎзА профессионал ва тезкор журналистлари билан фахрланса арзийди. Имкониятларингиз ва журналистларингиз сафи янада кенгайишига тилакдошмиз.

**– Ўзбекистон халқига байрам тилакларингиз.**

– Мамлакатингиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида АҚШ халқи ва элчихонамиз ходимлари номидан Ўзбекистон халқига абадий тинчлик, фаровонлик, омад ва омонлик тилайман.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

**ЎзА мухбири**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**суҳбатлашди.**

---

Қорақалпоғистон Республикаси

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

*Нукусда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида хайрия акцияси бўлиб ўтди.*

# ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида ташкил этилган тадбирда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кексалар яшаётган 17 та оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган электр-маиший техника жиҳозлари, ёрдамга муҳтож 8 нафар кишига эса ногиронлар аравачаси топширилди.



Тадбир доирасида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба ва ўқувчилари, эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли ҳамда билимга интилувчан фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Касаба уюшмалари – талабаларга" акцияси ўтказилиб, бир гуруҳ талаба ва ўқувчиларга Касаба уюшмаларининг стипендияси топширилди.

– Мазкур стипендияга лойиқ кўрилганимдан хурсандман, – дейди Тўрткўл академик лицейи ўқувчиси Минаввар Содиқова. – Шеъриятга бўлган қизиқишим сабабли устозим Дилором Юсупова раҳбарлик қилаётган "Ёш адабиётчи" тўгарагига аъзоман. Шу пайтгача қатор кўрик-танловларда иштирок этиб, ғолиб бўлганман.

Бундан ташқари, тадбирда асосий бойлигимиз – мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликни асраб-авайлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишда ўз жонини фидо қилган жасур ўғлонларни хотирлаш ва уларнинг ишларини ёшларимизга ибрат қилиб кўрсатиш мақсадида "Ватан фидойи фарзандларини унутмайди" акцияси ташкил этилди. Унда хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимларининг оила аъзоларига манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

– Турмуш ўртоғим Ботирбой Олламуратов 1995 йили Чимбой тумани ички ишлар бўлимида ишлаётганида хизмат пайтида ҳалок бўлган, – дейди кўз ёшларини яшира олмаган Даригул Уразимбетова. – Ота дийдорига тўймаган икки нафар ўғлимни тарбиялаб, вояга етказдим. Кичкина ўғлим Султонбек ота касбини танлади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академиясини муваффақиятли тамомлаб, бугунги кунда Амударё тумани ички ишлар бўлимида ишлаяпти. Бизларга кўрсатаётган ёрдам ва ғамхўрликлари учун Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига миннатдорлик изҳор қиламан. Илоҳим мамлакатимиз доимо тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Шуни ҳам айтиш жоизки, жорий йилда бир гуруҳ мактаб ўқувчилари ёзги таътил кунларини энг яхши соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли ўтказишди. Тадбир доирасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини мазмунли ташкил этишда намунали хизмат кўрсатган бир қатор ходимларнинг ҳам меҳнати муносиб баҳоланди. Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбир сўнгида санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

# КОРХОНА САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Айни пайтда бу турдаги маҳсулотлар Хитой, Малайзия, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам, Арманистон, Молдова, Туркия, Ангола, Украина ва бошқа қатор давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тоғ-кон мажмуаси шахтасида руда қазиб чиқариш авваллари хорижлик мутахассислар кўмагида бажарилган бўлса, ўтган йилдан бу иш тўлиқ маҳаллий ходимлар томонидан амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг январь-июль ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилди. Ишлаб чиқариш жараёнида чиқадиган чиқинди қайта ишланиб, техник мақсадларда фойдаланиладиган туз олиш йўлга қўйилди. Бу келгусида мамлакатимиз корхоналарининг техник тузга бўлган талабини тўла қондириш имконини беради.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш йўлидаги изланишлар давом эттирилмоқда. Келгусида йиллик қуввати 10 минг тонна бўлган гидроокис калий ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун барча тайёргарлик ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

**Ў.БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

**○ Эълонлар**

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# АНДИЖОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Андижон шаҳридаги З.М.Бобур номли майдонини реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1.673.498.200 сўм, ҚҚСсиз 1.394.581.833 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 6 ой.

**Буюртмачи:** Андижон шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси.

**Манзили:** Андижон шаҳри Ўш кўчаси 212-уй. Тел.: (998 74) 202-48-24.

**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй. Тел/факс: 223-57-05.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

**"Jazira lyuks" МЧЖ томонидан берилган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.**

| Лицензия варақаси рақами | Давлат рақами | Лицензия варақаси рақами | Давлат рақами |
|---|---|---|---|
| 1573390 | 01 F 286 TA | 1610481 | 01 G 719 GA |
| 1573400 | 01 F 286 JA | 1610482 | 10 T 889 FA |
| 1573394 | 01 L 928 QA | 1610484 | 10 W 423 LA |
| 1573397 | 01 K 562 JA | 1610852 | 01 B 856 HA |
| 1573408 | 01 Z 981 KA | 1610862 | 01 B 856 HA |
| 1573296 | 01 A 380 GA | 1610863 | 01 A 037 JA |
| 1573415 | 01 A 380 GA | 1610864 | 10 Y 456 KA |
| 1573407 | 01 J 115 MA | 1610855 | 10 Z 713 HA |
| 1573413 | 10 B 291 LA | 1610875 | 10 Z 713 HA |
| 1610469 | 01 C 524 LA | 1610856 | 10 M 951 DA |
| 1610471 | 01 G 719 GA | | |

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "DIAMOND OPTIMAL" МЧЖнинг Устав фонди 167 890 000 сўмдан 137 800 000 сўмга камайтирилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда (реестр № 005616-05, 09.01.2012 й.) рўйхатга олинган "ANSHER REAL ESTATE" МЧЖ (СТИР 206237098) тугатилади (таъсисчининг 19.08.2015 й.даги 4-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент ш. 2-проезд Калинин Мавзук кўч. 38-уй манзилида қабул қилинади.

"SAYXUN BARAKA ULGURJI SAVDO" МЧЖ улгуржи универсал ҳудудий базанинг устав фонди 9 251 615 722,25 сўмдан 337 000 000 сўмга камайтирилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда (реестр № 007923-05, 08.01.2015 й.) рўйхатга олинган "FLUKE MEBEL" МЧЖнинг (СТИР 303141598) фаолияти 24.08.2015 й. 3-сонли қарорига асосан (630-қарор билан ихтиёрий) тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида (94) 624-94-94 тел. орқали қабул қилинади. Манзил: Олмазор т. Уста Ширин 1-тор кўч. 293-уй.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2014 й.да рўйхатга олинган Якка тартибдаги тадбиркор "Kasimbayeva Madina Anvarovna"га (СТИР 600557089) тегишли муҳр ва Гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TRINITY TRADE" МЧЖнинг Устав фонди 376 722 500 сўмдан 5 000 000 сўмга камайтирилади.

Тошкент ш. ҳокимлиги томонидан 13.04.2015 й.да якка тартибдаги тадбиркор Иброхимов Абдулхакимхон Боходир ўғли номига берилган № 0408943 реестр рақамли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ULUG'-JAXON BARAKA" МЧЖ устав жамғармаси 635 013 117,6 сўмдан 231 946 183,60 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ қарори билан рўйхатга олинган "REAL FIX" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "REAL FIX" МЧЖга ўзгартирилади.

# “ЎЗКИМЁСАНОАТ” акциядорлик жамияти жамоаси

республикамиз кимёгарлари номидан юртдошларимизни ҳаммамиз учун Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги билан табриклайди! Ушбу нурафшон айёмда барчага мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, оилавий бахт-саодат ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайди. Эл-юртимиз доимо омон, осмонимиз ҳамиша мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



---

РЕКЛАМА

# AGROBANK

## Мустақиллик байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Улуғ айём барчамизга тинчлик-тотувлик, оилавий бахт ва хотиржамлик олиб келишини тилаган ҳолда қуйидаги банк хизматини таклиф этамиз:

Уяли телефон орқали маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни Агробанк ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган “Мобил савдо” тизими орқали содда ва тез тўловни амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

CLICK
mobilsavdo
sodda va tez to'lov
AGROBANK

*Мобил савдо стикери мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.*

www.agrobank.uz    Хизматлар лицензияланган

---

# ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!



**БЕРУНИЙ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ, РИЗҚ-РЎЗ ЕТИШТИРИБ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, “АЙНУР КНК” КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ТУМАННИНГ БАРЧА АҲЛИ НОМИДАН**

юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан чин дилдан қутлаймиз. “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” шиори остида нишонланаётган бу шонли айём билан ватандошларимизни муборакбод этар эканмиз, уларга тани сиҳатлик, бахт-иқбол, келгуси ишларида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини ният қиламиз.

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЯНАДА ОШАВЕРСИН, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

---

# Айём муборак!

Байрам деганда инсонларнинг очиқ чеҳрасини, бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини, уларнинг шод-хуррамлигини тасаввур этамиз. Ноз-неъматларга тўла дастурхонни кўз олдимизга келтирамиз. Шоир таърифлаганидек:

*Ёру дўстлар жам бўлибдир, тўй қилур ўзбек элим,*
*Мен деганман, хуш келибсан, дўсту меҳмоним сенга...*
*Қўлда торим сен учундир, дилда борим сен учун,*
*Қайда бўлмай талпинурман, Ўзбекистоним, сенга.*

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда байрам шукуҳи қалбларга қувонч, диллрага сурур бахш этмоқда. Шодиёна кунларда барча юртдошларимизни Мустақилликнинг йигирма тўрт йиллик байрами билан муборакбод этамиз! Уларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин, келгусидаги ишлари омадли бўлишига тилакдошмиз!

**«Ўзбеккўмир» АЖ бирлашган касаба уюшма қўмитаси**

---

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021
9 772010 702007

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Ж.ЭШНИЁЗОВ
Мусаҳҳиҳ: Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-819, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.45
15837 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
E-mail: info@qishloqhayoti.uz
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5